

АМИР ТЕМУР ВА ТЕРМИЗ: ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Турсунов Жовли Нарзуллаевич

*Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Тарих ва фалсафа кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди**<https://orcid.org/0009-0007-2912-4887>**e-mail: tursunovdjavli8@gmail.com**UDK 94 (575.1)*

Аннотация: Мақолада Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятида Термиз шаҳри ҳамда термизий саййидларнинг тутган ўрни тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган. Муаллиф Соҳибқироннинг илк мустақиллик қадамлари, Термизда зарб этилган илк тангалар ва термизий пирларнинг маънавий қўллаб-қувватлаши масалаларига алоҳида тўхталган. Шунингдек, Темурийлар даврида Термизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалиши, Клавихо каби сайёҳларнинг хотиралари ҳамда даврнинг ноёб осори-атиқалари ёритилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Термиз, Термизий саййидлар, Саййид Барака, Соҳибқирон тангаси, Темурийлар ренессанси, Султон Саодат, Мовароуннахр.

Аннотация: В статье на основе исторических источников анализируется роль города Термеза и термезских сейидов в жизни и государственной деятельности Амира Темура. Автор уделяет особое внимание первым шагам Сахибкирана к независимости, чеканке первых монет в Термезе и духовной поддержке со стороны термезских пиров. Также освещаются вопросы социально-экономического и культурного расцвета Термеза в эпоху Темуридов, воспоминания путешественников, таких как Клавихо, и уникальные археологические находки того периода.

Ключевые слова: Амир Темур, Термез, Термезские сейиды, Саййид Барака, монета Сахибкирана, Тимуридский ренессанс, Султан Саодат, Мавераннахр.

Abstract: The article analyzes the role of the city of Termez and the Termez sayyids in the life and state activities of Amir Temur based on historical sources. The author focuses on the

first steps of Sahibkiran towards independence, the minting of the first coins in Termez, and the spiritual support of the Termez masters (pirs). Additionally, it highlights the socio-economic and cultural prosperity of Termez during the Timurid era, the accounts of travelers like Clavijo, and unique archaeological artifacts of that period.

Keywords: Amir Temur, Termez, Termez sayyids, Sayyid Baraka, Sahibkiran's coin, Timurid Renaissance, Sultan Saodat, Mavarannahr.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Инсоният цивилизацияси бешикларидан бири бўлган қадим Термиз шаҳри асрлар давомида нафақат стратегик муҳим кечув нуктаси, балки ислом оламининг йирик маънавий-маърифий марказларидан бири сифатида хизмат қилиб келган. Айниқса, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошлари – Амир Темур ва Темурийлар даври Термиз тарихида алоҳида "олтин давр" сифатида муҳрланган.

Ушбу даврда Термизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи икки муҳим омил билан белгиланган:

- Амударёнинг асосий кечуви сифатида шаҳар ҳарбий ва савдо йўлларининг тугуни бўлган.
- Термиз саййидларининг ислом дунёсидаги юксак обрўси ва уларнинг Соҳибқирон Амир Темур билан яқин маслакдошлиги.

Тарихий манбалар ва археологик маълумотлар шуни кўрсатадики, Амир Темурнинг сиёсий саҳнага чиқиши ва марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги дастлабки ғалабалари айнан Термиз воҳаси

билан чамбарчас боғлиқ. Шаҳар нафақат ҳарбий таянч нуқтаси, балки янги салтанатнинг мафкуравий устунларини мустаҳкамлаган термизий алломалар ва пирларнинг маскани эди. Ушбу мақолада биз Амир Темур ва термизийлар ўртасидаги тарихий ришталарни, Соҳибқироннинг шаҳарга ташрифлари ва Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг ўзига хос жиҳатларини илмий нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Кўҳна маданиятлар чорраҳасида жойлашган Термиз – қадимдан минтақанинг энг муҳим шаҳарларидан бири саналган. Албатта, Термизнинг географик жойлашуви: Амударёдан асосий кечув жойи бўлганлиги, Чигатой ҳукмдорларининг қароргоҳларига яқинлиги шаҳарни ўша давр воқеаларига кўп жиҳатдан алоқадорлигини белгилаган. Лекин бу қадим кентнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаган асосий омиллардан бири, Термизнинг мусулмон дунёси мафкуравий марказларидан бири эканлиги десак, муболаға бўлмайди. Ҳали Мовароуннаҳрда ислом қадриятлари тўлиқ қабул қилинмаган бир даврда Термиз масжид ва мадрасаларидаги диний мунозаралар мусулмон дунёсида овоза бўлган. Исо Термизий ҳадис илмида, Муҳаммад Ҳаким Термизий тасаввуф таълимотида етакчилардан бўлишган.

Мўғуллар босқинидан сўнг Туркистонда мустақил давлат учун кураш саҳифалари Термиз ва термизийлар билан чамбарчас билан боғлиқ. 1334 йилдан Чигатой улуси ҳукмдорлари сиёсатида мусулмонларга нисбатан салбий муносабат кучайиши оқибатида маҳаллий ҳукмдорлар марказий ҳокимиятга қарши кураш бошладилар. XIV асрнинг биринчи ярмида мўғуллар истибдодига қарши энг йирик кўзғолон Термиз ҳукмдори Аълоулмулк Термизий бошчилигида кўтарилган эди. Унинг натижасида Чигатой улуси пойтахти Олмалиқда Аълоулмулк ҳукмдорлиги ўрнатилади. Лекин тезда ўзаро низолар оқибатида Аълоулмулк Термизий

ўлдирилади, у тарих саҳифаларида «Шаҳид» номини олган.

XIV асрнинг ўрталарига келиб мўғул хонлари ўртасида ҳокимият учун кураш тинимсиз урушларга айланиб кетди. Шундай урушлардан бирида, хижрий 761 (милодий 1359-1360) йилда Мўғулистон ҳукмдори Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга бостириб киради. Кеш вилоятининг ҳукмдори Ҳожи Барлос унга қаршилиқ кўрсатмай, яқинлари билан Хуросонга кетади. Юртга бошчилик қилиш 24 ёшлиқ Амир Темур зиммасида қолади. Қийин вазиятдан чиқиш, мамлакатни вайроначилик ва таланишдан сақлаш мақсадида Амир Темур Туғлуқ Темурхон ҳузурига равона бўлади. Мўғулистон ҳукмдори ўз хоҳиши билан келган Амир Темурни яхши кутиб олади ҳамда унга Кеш вилоятини топширади. Манбаларда қайд этилишича, Кешдан Амударёгача бўлган ҳудудлар Амир Темур тасарруфига ўтади. Лекин Амир Темурнинг ҳокимиятини Эски Термизда ўрнашиб олган шайх Али Жаржарий тан олмайди. Унга қарши чора кўриш учун Амир Темур кўшин билан келиб, рақибини яқсон қилади. Соҳибқирон юрт етакчиси сифатидаги илк ғалабасининг белгиси сифатида, ўша давр қонун-қоидаларидан келиб чиқиб, ўзининг тангасини зарб қилдирган. Туғлуқ Темурхон билан аҳдномага содиқ қолиб, Амир Темур Термизда хижрий 761/милодий 1360 йилда чиқарилган тангада Чигатайхон авлодларининг тамғасини кўйган.

Демак, 761 (1360)йилда зарб этилган тангалар Соҳибқироннинг илк тангаси бўлиб, у Амир Темурнинг мустақил давлат куриш учун курашининг дастлабки саҳифасини намоён қилади. Орадан бир йил ўтгач, Туғлуқ Темурхон аҳдига вафо қилмай, Мовароуннаҳрни бошқаришни ўғли Илёсхўжага топшириши натижасида Амир Темур мустақиллик учун курашга киришади. Бу жараёнда Термиз ва термизийлар янги барпо этилаётган давлатнинг сиёсий-ғоявий таянчларидан бирига айланади. «Саййиди сирдон» лақабли Саййид Бурҳониддин, машҳур пирлардан шайх Хованд Тохур ва асли исми

Саййид Али Шоҳ ат-Термизий бўлган афғон қабилаларининг раҳнамоси Пир Бобо ҳам Термиз саййидлари хонадони вакиллари. Амир Темурнинг пирларидан ҳисобланмиш Шамсиддин Саййид Кулол ҳам шу хонадон вакили бўлиши мумкин. Бу тахминни билдиришимизга, биринчидан, пирнинг исмлари Термиз саййидларига хослиги, иккинчидан, унинг мақбараси шу хонадон вакиллари Шохрисабзда, кейинчалик Гумбази Саййидон номини олган даҳмаси бир жойдалиги асос бўлади.

Йилномаларда дарж этилган бир шонли воқеа Термизнинг давлатчилигимиз тарихидаги фахрли ўрнига янада урғу беради: 1370 йили Термиз шаҳридан 20 км нарида жойлашган Биё қишлоғида 34 ёшли Амир Темур, ўз даврининг кўзга кўринган шайхларидан бири, асли маккалик Саййид Барака билан учрашган. Бу учрашувда Амир Темур Саййид Баракадан салтанат рамзи бўлган ногора ва байрокни қабул қилиб олади. Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Саййид Барака Амир Темурни дуо қилиш билан бирга унга жаҳонгирлик муждасини ҳам берган эди.

Шу тариқа Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари Термиз билан чамбарчас боғланиб кетганлигини тушунтириш мумкин. Амир Темур ҳокимият учун кураш бошлаганида ва унинг энг зафарли кунларида ҳам термизийлар Соҳибқироннинг сафдошлари бўлган. Жумладан, Аълоулмулк «Шаҳид»нинг ўғиллари Шамсиддин, Алоуддин, Абул Маали ва Алиакбар доимо Амир Темур билан бирга бўлганлар. Бизгача етиб келган манбаларда Термиз ва термизийлар билан боғлиқ кўплаб воқеалар, Амир Темурнинг Термизга таширфлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Муаррих Ғиёсиддин Алининг далолатига кўра, ҳижрий 801 йилнинг 21 ражаби – 1399 йил 29 мартда Ҳиндистон юришидан қайтаётган кўшин ўша давр манбаларида Термиз дарёси, яъни Амударё қирғоғига етиб келади. Дарёнинг нариги қирғоғида Соҳибқиронни набираси Улуғбек, маликалар ва аъёну-ақобирлар кутиб олишади. 22 ва 23 ражаб кунлари Амир

Темур Термизда бўлади. 23 ражаб (31 март) куни зафар кучган кўшин шарафига Термиз саййидлари катта тўй беришади. Эртаси куни ғолиб кўшин сафарини давом эттиради.

Амир Темур ва темурийлар даврида Термиз Мовароуннаҳрнинг энг обод ва машхур шаҳарларидан бири сифатида ислом дини ҳамда маданиятининг йирик марказига айланган. Бинобарин, XIV-XV асрлар шаҳар ҳаётининг энг юксак даври бўлди.

1404 йилда Испания қироли Генрих III де Трастамар номидан Самарқандга – Амир Темур ҳузурига элчи бўлиб келаётган Рюи Гонсалес де Клавихо Термизнинг улкан ҳудудини кўриб ҳайратга тушган эди. Унинг ёзишича, Самарқанд подшолиги Термиздан бошланган.

Темурийлар даври шаҳарларини, жумладан Термизни тасвирлаган хитойлик саёхатчилар, улардаги маданиятни, мўлк-кўлчилик ва ободончиликни алоҳида қайд этганлар. Шаҳардаги бинолар ва ёдгорликлар қаторида кечаю-кундуз фаолият кўрсатадиган дўконлар ва ошхоналар, ўзига хос ҳаммомлар хорижликларни лол қолдирган. Лекин бу фаровонликка осонлик билан эришилмаган, унинг замирида мустақиллик учун узок давом этган курашлар ётади.

Охирги марта Амир Темур Термизда ҳижрий 807 йил муҳаррам ойида (1404 йилнинг июли), машхур Етти йиллик юришдан қайтишда бўлган. Бу ҳақда академик Бўрибой Аҳмедов шундай ёзади: «дарёдан кемаларга тушиб ўтдилар ва Термизда, ҳар доимгидек, Худовандзода Аълоулмулкнинг уйида тўхтадилар. Термизда бир кун дам олгач, ҳумоюн маҳкам яна йўлга чикди».

Амир Темур ҳар келганида дунёни маърифат нури билан ёритган, мардлиги билан ҳайратга солган бу табаррук маскан улуғларининг руҳини шод қилиб, уларнинг қабрларини зиёрат қилган. Соҳибқирон ва унинг авлодлари бутун ислом дунёсида эъзозланиб келинган Термиз саййидлари хонадонининг вакиллари алоҳида эҳтиром кўрсатишган. Уларнинг азалий хилхонаси

бўлмиш Султон Саодат ва Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбараси ҳудудида темурийлар даврида катта қурилиш ишлари олиб борилган. Масалан, Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбарасидан топилган ёзувлар асосида 1390 йилда мажмуага шарқ томонидан янги бино қурилгани аниқланди. Алломанинг қабри устидаги тош бутун Шарқ маданиятининг ноёб дурдонаси бўлиб, у ҳам ўша пайтда қўйилган, деб ҳисобланади. Ҳар ҳолда унинг темурийлар даврига тегишли эканлиги шак-шубҳасиздир. Термиз археология музейида темурийлар даврига оид ўзига хос услубда сополдан ишланган шахмат доналари, уй-рўзғор буюмлари коллекцияси, жангчи совути, тангалар коллекцияси жой олган бўлиб, булар минтақада ҳунармандчиликнинг юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради. Маҳаллий усталар Соҳибқироннинг кўрсатмасига кўра ҳатто Амударё устига кўприк қурганлар. Ўша давр шоирлари таъкидлаганидек:

*Чу Термизка етти шаҳи мўътабар,
Тилади ўшул ерда аҳли ҳунар.
Ясагай суви устида қуфруки равон
Ким ўтгайлар андин черики аён.*

Амир Темур ва темурийлар даври шаҳар маданиятининг ёрқин намуналари, ноёб осори-атиқалар қаторида Термиздан чиққан машҳур мусаввир Мир Саййид Али ижодини ҳам кўрсатиш мумкин. Умрининг кўп йилларини Ватандан йироқда – Ҳиндистонда ўтказган мусаввир “Жудой” тахаллуси билан ўз ички дунёсини акс этувчи шеърлар ёзган. Рассомнинг асарлари ҳозирги кунда жаҳоннинг турли музейларида намойиш этилмоқда.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар салтанатида Термиз ва термизийлар муносиб ўрин тутган. Бу даврда халқимиз ва бутун дунё узра таралган маърифат зиёси бугунгача сақланган. Шу нуқтаи назардан темурийлар даврига қизиқиш нафақат тарихий меросимизни ўрганиш учун, балки ҳозирги давр вазифаларини ҳал қилишда ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида Амир Темур ордени билан тақдирланган табаррук Термиз шаҳрининг бугун ҳам илм-маърифат таратишда бардавом эканлиги қалбимизда гурур ва ифтихор туйғуларини оширади.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.
2. Ғиёсиддин Али. Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши кундалиги (Рузномаи ғазавоти Ҳиндустон) / Форс тилидан А.Ўринбоев таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967.
3. Рюи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Амир Темур (Тарихий иншо). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
5. Ртвеладзе Э.В. Термиз – буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001.
6. Турсунов С., Қобилов Э. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 608 б.